

Истиффор муаммоларга ечимдир



13:30 / 01.03.2019 8584

Аллоҳ таоло Қуръон каримнинг Нух сурасида шундай марҳамат қилади:

«Роббингиздан мағфират сўранг, албатта, У кўплаб мағфират қилувчидир, дедим. Шунда устингизга ёмғирни мўл-кўл қилиб юборадир. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир ва сизларга боғу роғлар қилиб берур ҳамда анҳорлар қилиб берадир» (10,11,12-оятлар).

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни қавмига пайғамбар қилиб юборгач, у даъват ишларини бошлади. Бироқ адашган қавм унинг сўзларига қулоқ тутмади. Ўзларидан кетиб, Аллоҳнинг пайғамбарини масхара қилишар, устидан кулиб таҳқирлашар, уни ёлғончига чиқаришар эди. Шунда Аллоҳ таоло жазо сифатида уларнинг бошига қаҳатчилик балосини юборди. Чорва-ю паррандалари қирилиб кетди. Ўзларини бепушт, хотинларини эса

туғмас қилиб қўйди. Бу бало уларнинг бошида қирқ йил давом этди.

Шунда Нух алайҳиссалом уларга қарата: «Бу балодан қутулишнинг ягона йўли бор: Аллоҳни якка деб тан олинг, ширкдан тавба қилинг. Аллоҳ кечирмли Зот. Тавбангизни қабул қилади ва неъмат эшикларини яна очиб қўяди. Зеро, тоат-ибодат мўл-кўлчилик калитидир. Куфр эса қаҳатчилик, камбағаллик сабабидир. Иймон келтирсангиз ва Яратганга қуллик қилсангиз, дунёда ҳеч нарсага муҳтожлик сезмасдан, муаммосиз яшайсиз» – деди.

Нух алайҳиссаломнинг бу насиҳатлари аслида Аллоҳнинг ваъдаси эди. Оятнинг биринчи бандида муаммога гирифтор бўлган қавмга нажот йўли сифатида истиғфор айтиш тавсия этилган. Истиғфор – Аллоҳдан кечирим сўрамоқ кўплаб дардга даво, муаммоларга ягона ечимдир. Фақир ҳам кўп истиғфор айтса бой бўлади. Бемор ҳам кўп истиғфор билан шифо топади. Бефарзанд ҳам истиғфор билан фарзанд неъматига мушарраф бўлади.

Тобеинларнинг улуғи Ҳасан Басрийнинг олдида бир деҳқон камҳосилликдан шикоят қилиб келди. Унга истиғфор айтиш тавсия қилинди. Яна бир одам фақирлик ва бефарзандликдан шикоят қилиб келди. Унга ҳам истиғфор айтиш тавсия қилиб қайтарилди. Яна бир одам даромадининг камлигидан арз қилиб келди. Унга ҳам аввалгиларга айтилган тавсия айтилди. Бундан таажжубга тушган Рабиъ ибн Сабиҳ: «Ҳар хил одамлар турли шикоятлар билан келди. Аммо уларнинг ҳаммасига бир хил тавсия бердингиз?!», – деди. Шунда Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ юқоридаги оятларни ўқиб, «сен бу оятни билмасмидинг?!» – дедилар.

Истиғфорнинг энг осон сийғаси: (مِظْعَلًا لِّجَلِّ رَفْعَتِهَا) **“Астағфируллоҳ ал-азийм”** (Буюк Аллоҳдан мағфират сўрайман, кечиришини истайман).

Эй Раббим! Биз ожиз ва гуноҳкор бандларингмиз. Уялмасдан такрор ва такрор гуноҳ қилаверамиз. Сен бизни кечирмасанг, ҳолимизга вой бўлади. Ўзинг бизга раҳм айла, гуноҳларимизни авф эт. Зеро сен гуноҳларни кечиришни яхши кўрувчи Фаффор Раббимизсан!

Нодирбек Кенжаев